

яъни биз мамлакатимизнинг қандай эҳтиёжларини қондира оламиз? Қайсиdir давлатдан кўра яхшироқ натижага эришиш учун биз етарлича билим ва тажрибага эгамизми-йўқми? Ўйлаймизки, юқоридаги саволларга жавоб топсанк, Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга

оид ислоҳотларни янги босқичга кўтариб, давлатимиз ривожида муҳим аҳамият касб этувчи макроиқтисодий барқарорликка эришиш орқали халқимизни фойдали меҳнат билан таъминлаймиз ҳамда ушбу меҳнатга яраша ҳақ тўлашни таъминлай оламиз.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, ҳусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш ўйлари. – Т., 2009. 23-бет.
2. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. – Т., 2017. 221, 256-бетлар.
3. Мирзиёев Ш. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017 й. 24-бет.
4. Тўхлиев Н. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т., 2005.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ўйлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Беркинова Б.Б., Маматова Ф.Х. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ўйлари. ТДИУ, 2011.
7. Абулқосимов Ҳ.П ва бошқалар. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. Академия, 2007 й.
8. Махмудов Н.М., Ҳакимов А.Ҳ. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш – барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг муҳим шартидир. // Иқтисодиёт ва таълим, 2017 й. 2-сон. 7-11-бетлар.
9. Askarovich, U.K. (2021). Clusters as a tool for providing high rates of economic growth and diversification of the economy of Uzbekistan.
10. Улашев, Х. (2024). Мамлакат миллий иқтисодиёти ривожида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос ҳусусиятлари. // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(1), 543-550.
11. Ulashev, H.A. (2024). Features of the service sector in the development of the national economy of the country. World of Scientific news in Science, 2(2), 458-465.
12. Улашев, Х. (2024). Мамлакат миллий иқтисодиёти ривожида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос ҳусусиятлари. // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(1), 543-550.
13. <https://soliq.uz/press-services/news/show/dsq-million-somlik-soliqlar-muddati-kechiktirildi>
14. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/10/29/budget-2021>
15. [https://www.mf.uz/media/file/gos\\_budget/obzor\\_rus\\_ver.pdf](https://www.mf.uz/media/file/gos_budget/obzor_rus_ver.pdf)
16. [Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилинди \(president.uz\)](#)
17. [Яширин иқтисодиётга қарши қурашиб борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари \(yuz.uz\)](#)
18. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот хизмати.
19. [https://api.mf.uz/media/document\\_files/Ikkinci\\_milliy.pdf](https://api.mf.uz/media/document_files/Ikkinci_milliy.pdf)



### **ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОҲИЯТИ, ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ, ТАРКИБИ ВА КЎРИНИШЛАРИ**

**Курбонов Мухиддин Абдуллаевич**  
Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўймитаси ҳузуридаги  
Фискал институт Солиқлар ва солиққа тортиш  
кафедраси доценти PhD

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss2/a2](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a2)

**Аннотация.** Мақолада иқтисодиёт норасмий секторининг моҳияти ва таркибий элеменatlари ёритилиб, норасмий иқтисодиёт категориясининг мазмуни солиққа жалб қилиш нуқтаи назаридан очиб берилган. Мавзуга доир назарий адабиётларни шарҳлаш, халқаро амалиёт ҳамда Ўзбекистондаги ҳолат таҳлили асосида норасмий иқтисодиётни жиловлаш ва қўламини қисқартиришда солиққа тортиш механизмларидан самарали фойдаланишга қаратилган таклифлар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** норасмий иқтисодиёт, назоратсиз иқтисодиёт, яширин иқтисодиёт, криминал иқтисодиёт, норасмий бандлик, солиқ тўловчилар, солиқ инструментлари, солиққа тортиш механизmlари, солиқ юки.

## СУЩНОСТЬ ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКИ, ЕЕ ПРИЧИНЫ, СТРУКТУРА И ПРОЯВЛЕНИЯ

**Курбанов Мухиддин Абдуллаевич**

*PhD Доцент кафедры «Налоги и налогообложение» Фискального института при Налоговом комитете Республики Узбекистан*

**Аннотация.** В статье диссертации исследовано сущность и выделены структурные элементы неформального сектора экономики, раскрыто содержание категории неформальной экономики с точки зрения налогообложения. На основе обзора теоретической литературы, международной практики и анализа ситуации в Узбекистане сформированы предложения и практические рекомендации по эффективному использованию механизмов налогообложения в сдерживании и сокращении размеров теневой экономики.

**Ключевые слова:** неформальная экономика, неконтролируемая экономика, теневая экономика, криминальная экономика, неформальная занятость, налогоплательщики, налоговые инструменты, механизмы налогообложения, налоговое бремя.

## THE ESSENCE OF THE SHADOW ECONOMY, ITS CAUSES, STRUCTURE AND MANIFESTATIONS

**Kurbanov Mukhiddin Abdullaevich**

*PhD Associate Professor of the Department of Taxes and Taxation, Fiscal Institute under the Tax Committee of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract.** The essence and structural elements of the informal sector of the article, the content of the category of informal security are revealed from a perspective. On the basis of the review and consideration of circular literature on the subject, proposals and practical recommendations aimed at the effective use of taxation mechanisms in curbing and reducing the scope of informal procurement in Uzbekistan have been formed.

**Key words:** informal control, clandestine procurement, criminal security, informal employment, taxpayers, tax instruments, taxation mechanisms, health burden.

**Кириш.** Мамлакатда солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш ва бозорда ҳалол рақобат муҳитини шакллантиришда самарали солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ назоратининг самарадорлиги эса солиқ тўловчилар ва солиқ объектларининг тўлиқ қамраб олинганилиги, солиқ мажбуриятлари ҳисобининг тӯғри ва аниқ юритилиши ҳамда солиқ назоратининг муваффақиятли амалга оширилиши билан белгиланади. Иқтисодий фаолият турлари ва шакллари кундан-кунга кенгайиб бораётган замонавий дунёда солиқ базасини тўлиқ қамраб олишни фақатгина ахборот-технологиялари ёрдамида, бизнес жараёнларни автоматлаштирган ҳолда амалга ошириш мумкин. Солиққа оид муносабатларни рақамлаштириш, идоралараро ўзаро электрон ахборот алмашишни кенгайтириш ва замонавий таҳдил механизмларининг йўлга қўйилиши солиқ объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тӯғрисида” ПҚ-1257-сонли қарорига мувофиқ давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси ташкил этилди. Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг эски таҳирдаги 84-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги ПҚ-1843-сонли қарорига мувофиқ 50 дан ортиқ вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиниб, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада автоматлаштириш ва солиқ тўловчилар учун электрон хизматлар жорий қилиш имкониятини тақдим этди.

Маълумотлар базаларини ўзаро интеграция қилиш натижасида давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маҳсус жамғармаларга тўловлар, кўчмас мулк обьектлари ва улар бўйича олди-сотди шартномалари ва бошқа шу каби 120 турдаги бошқа вазирлик ва идораларга тааллуқли маълумотларни электрон тарзда қабул қилиш йўлга қўйилди. Қўшимчасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6098-сонли фармони билан реал вақт режимида идоралараро электрон алоқа орқали солиқ органларига тақдим этиладиган қўшимча маълумотлар рўйхати тасдиқланган. Мазкур фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси» АЖ, Кадастр агентлиги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, Молия вазирлиги Газначилиги, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудий газ тармоқлари» томонидан ҳам солиқ органларига қўшимча маълумотлар тақдим қилиниши белгиланди.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси орқали 45 та электрон давлат хизматларидан, 40 дан ортиқ солиқ маъмуриятчилигига оид дастурий маҳсулотлардан фойдаланилмоқда. Солиқ тўловчилар учун жорий этилган электрон хизматлар доирасида солиқ ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, солиқларни тўлаш, солиқ органларидаги шахсий карточка маълумоти билан танишиш, ортиқча тўловни қайтариб олиш ёки бошқа солиқ турига ўтказиш, ҳисобварақ-фактура юбориш каби мажбуриятлар электрон тарзда бажарилиши мумкин. Бироқ давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базаси бир қатор вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинганлиги, солиққа оид муносабатлар электрон кўринишга ўтказилганлигига қарамай, иқтисодиётимизда солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари етарлича кўзга ташланмоқда.

**Адабиётлар шархи.** Тадқиқот жараёнида адабиётларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг кўламини камайтириш бўйича муаллифларда турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, Артеменко ва бошқаларнинг (2017) фикрича, солиқ риски давлат, худудий муниципиалларнинг ўз фаолиятидаги режалаштирилмаган

молиявий йўқотишdir. Солиқ рискларининг юзага келиши ва жиловланмаслиги ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳолати учун катта йўқотишига сабаб бўлади. Шу сабабдан вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳолаш, уни бартараф этиш чораларини кўриш мухим аҳамият касб этади. Одатда, солиқ тўловчилар солиқларни минималлаштириш учун солиқ обьектларини яширадилар ва “хуфиёна” иқтисодиёт иштирокчисига айланадилар.

Солиқ рискларини юзага келтирувчи асосий сабаблар: солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги, янги турдаги солиқ ва мажбурий тўловларнинг жорий этилиши, маълум ҳудудда кўлланилаётган нарх сиёсати ва солиқ юкидир. Солиқ рискларининг юзага келишини камайтириш ва олдини олиш учун: биринчидан, солиқ қонунчилигини барқарорлаштириш ва ижросини таъминлаш механизмини тартибга солиш; иккинчидан, барча турдаги солиққа тортишига оид унсурларнинг тўлиқ рўйхатга олинишини ташкиллаштириш; учинчидан, солиқ юкини асосий қатлам учун солиқдан қочиш оқибатини келтириб чиқариш нормасидан пастда ушлаш лозим бўлиши таъкидланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 2020 йилда “Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration” кўлланмаси чоп этилган (OECD, 2020). Ушбу кўлланмада бугунги кунда иқтисодий фаолият турлари ва шакллари кескин ўзгариб бораётганлигидан келиб чиқиб, солиқ идораларининг олдида турган долзарб масалалар тўғрисида фикр юритилган ва солиқ идоралари учун самарали маъмуриятчилик олиб бориш бўйича интеграциялаштирилган платформа модели таклиф этилган. Унга кўра, солиқ органларининг маълумотлар базаси қандай ташқи манбалар билан ўзаро интеграция қилиниши лозимлиги, интеграция жараёнидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича сўз юритилган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб мамлакатимизда хуфиёна иқтисодиёт кўламларининг кенглиги, солиқлар базасини кенгайтиришда ва хуфиёна иқтисодиёт улушкини қисқартиришда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъерий хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фундаментал асаллари хизмат қиласи.

Илмий изланиш жараёнида тадқиқот олиб боришнинг гурухлаш, тизимли қиёсий

таҳлил ва тизимли ёндашувлар, маълумотларга статистик ишлов бериш, гурухлаш ва шу каби замонавий усуллардан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар мұхоказасы.

Маълумки, солиқ солиши обьектига эга ҳар қандай шахсда солиқ мажбурияти юзага келади. Ушбу шахс, энг аввало, солиқ түловчи сифатида хисобда туриши, солиқлар бүйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши ва уларни үз вақтида тұлаши шарт. Мазкур мажбуриятлар-нинг түлиқ ёки қисман бажарылмаслиги солиқ-қа оид ҳуқуқбузарлықни келтириб чиқаради. Тадқиқот жараённан республикамызда сүнгги беш йилда үтка-зилган солиқ назорати жараённанда қайд этилган энг күп кузатилған ҳуқуқбузарлыклар сони таҳлил қилинди ва қуйидаги расм шакллантирилди.

Күриб турганингиздек, сүнгги 5 йиллике солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолати энг күп қайд этилмоқда. Ушбу ҳуқуқбузарлық тури 2016 йилда 34.6 минг маротаба, 2017 йилда 45.7 минг маротаба қайд этилиб, 2018 йилда кескин камайған ҳолда 14.8 минг маротаба қайд этилған. Бироқ 2019 йилда яна 3 баробарга ошиб, 48.8 минг маротаба содир этилған. 2020 йилда эса ушбу ҳуқуқбузарлық турини қайд этиш 2 баробарға қисқариб, 22.2 мингтани ташкил этған. Кейинги ўринде энг күп қайд этилған ҳуқуқбузарлық тури түлов интизомининг бузылишидір.

Ушбу ҳуқуқбузарлық тури 2016 йилда 18.4 минг маротаба, 2017 йилда 14.4 минг маротаба ва 2018 йилгача 10.3 минг маротаба кузатилған. 2019 йилда кескин ошиб, 34.3 мингтага етған ва 2020 йилда яна пасайиш кузатилиб, 13.6 минг маротаба қайд этилған.

Шунингдек, 2016-2020 йиллар давомида ўртача йилига 12.1 мингта ҳолатда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиши ҳолати кузатилған. Ушбу ҳолатлар бир томондан солиқ қонунчилигига мувофиқ, солиқ түловчига нисбатан маъмурий жавобгарлықни келтириб чиқаради ва унинг молиявий ҳолатын таъсир күрсатмай қолмайди. Иккинчи томондан эса солиқ тизими учун бюджет даромадларини шакллантириш жараённанда солиқ маъмуриятчилиги самарадорлығига ҳам салбий таъсир күрсатади.

Хусусан, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиши, ҳисобот күрсаткичлари ҳақиқатан фарқ қилиши, даромадларни яшириш каби ҳуқуқбузарлыклар нафақат солиқ тизими, балки бутун иқтиносидең учун ҳам салбий оқибатларни келтириб

чиқариши турган гап. Яъни бозордаги соғлом рақобат мұхитига путур етади, макроиқтисодий индикаторлар нотүғри баҳоланишига сабаб бўлади.

Аксарият ривожланган давлатларда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам тадбиркорликни ташкил этиш жараёни электрон кўринишда амалга оширилиши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишини истаган ҳар қандай шахс интернет тармоғи орқали реал вақт режимида ўз бизнесини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Шунингдек, солиқларни тұлаш жараёнларини осонлаштириш мақсадида шахсий кабинет ва онлайн түлов тизимлари орқали солиқларни онлайн тұлаш имкониятлари ҳам жорий этилған. Бироқ яратилған қулайликларга қарамай, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўламининг кенглиги солиқ маъмуриятчилигини янада тақомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолатининг олдини олиш учун дунёнинг ривожланган давлатлари, хусусан, Жанубий Корея, Дания ва Германия каби давлатларнинг солиқ органлари маълумотлар базаси солиқ түловчиларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиши бүйича ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Бунда солиқ түловчининг ҳисоб юритиши бүйича ахборот тизими белгиланган муддат ва даврда солиқ органларига тегишли маълумотларни автоматик тарзда юборади. Шунингдек, солиқ органдар банклар ўртасида солиқ түловчининг солиқ муносабатларига оид транзакциялари тўғрисида ҳам ахборот алмашиш олиб борилади. Натижада солиқ түловчи тұлаши лозим бўлған суммалар автомат тарзда ҳисоблаб чиқилиб, солиқ түловчии тайёр ҳолатда ҳисоб-китобларни тасдиқлаш учун тақдим этилади. Ушбу жараённинг автоматлашиши солиқ түловчиларни ортиқча оворагарчилардан озод этиб, солиқ ҳисобини юритиши осонлаштиради (1-жадвал).

Мамлакатимизда ушбу йўналишда ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш соддалаштирилди ва онлайн тартибда амалга ошириш йўлга қўйилди.

**Реал вақт режимида идоралараро электрон алоқа орқали солиқ органларига тақдим этиладиган қўшимча маълумотлар рўйхати**

| Т/р | Маълумотлар номи   | Маълумотни тақдим қилувчи идоралар   |
|-----|--|--|
| 1.  | ҚҚСнинг қайтарилиши бўйича ҳақиқий харажатлар тўғрисида маблағ олувчилар кесимида маълумот   | Молия вазирлиги  |
| 2.  | Берилган давлат нафақалари тўғрисида олувчилар кесимида маълумот   |  |
| 3.  | Биржа савдолари орқали амалга оширилган битимлар тўғрисида (савдо предмети, нарх ва ҳисоб-китоб шартлари) савдо иштирокчилари кесимида маълумот                      | «Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ                          |
| 4.  | Хукуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари томонидан олиб қўйилган (олинган) мол-мулк ва маблағлар тўғрисида маълумот   | Суриштирув органлари, терговгача текшириш, дастлабки тергов, суд органлари |
| 5.  | Кўчмас мулк ва ер участкалари тўғрисида тоифалар бўйича маълумот   | Кадастр агентлиги  |
| 6.  | Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва «пул ювиш» билан боғлиқ маълумотлар   | Бош прокуратура  |
| 7.  | Юридик ва жисмоний шахслар кесимида ҳақиқатда фойдаланилган электр энергияси тўғрисида маълумот  | «Худудий электр тармоқлари» АЖ   |
| 8.  | Юридик ва жисмоний шахслар кесимида ҳақиқатда фойдаланилган табиий газ ҳажми тўғрисида маълумот  | «Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудий газ тармоқлари»                                  |
| 9.  | Юридик ва жисмоний шахслар кесимида ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажми тўғрисида маълумот   | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги                                  |
| 10. | Йўловчи ва юқ ташиш ҳақида маълумот  | Транспорт вазирлиги  |
| 11. | Юридик ва жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ва улар томонидан амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумот | Ички ишлар вазирлиги   |
| 12. | Юридик шахсларнинг мансабдор шахсларига қўлланилган жарималар тўғрисида маълумот   |  |
| 13. | Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жойлаштириш воситаларида ва даволаш мусассасаларида вақтинча рўйхатга олинганилиги тўғрисида маълумот           | Ички ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси               |
| 14. | Рўйхатдан ўтган фуқаролик ҳолати далолатномалари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот  | Адлия вазирлиги  |
| 15. | Давлат харидлари тўғрисида маълумот  | Молия вазирлиги<br>Ғазначилиги   |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4742-сонли қарорига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари белгилаб берилди ва электрон рўйхатдан ўтказиш жорий этилди. Шунингдек, солиқ мобил иловаси орқали “Солиқ ҳамкор” электрон хизматидан фойдаланган ҳолда хукуқбузарлик тўғрисида солиқ органига хабар бериш имконияти мавжуд. Бундан ташқари онлайн

назорат касса машиналари орқали шакллантирилган чеклар воситасида ютуқли ўйин иштирокчисига айланиш ва қимматбаҳо совғаларга эга бўлиш мумкин. Бироқ солиқ маъмуриятчилигимизда ушбу механизmlарни янада такомиллаштириш имконияти йўқ эмас.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги таҳлиллар ва изланишлардан келиб чиқиб, қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Солиқ ва молиявий ҳисботларни топшириш тартибини бузиш билан боғлиқ хукуқбузарликнинг олдини олиш ва камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашишни йўлга

қўйиш. Яъни солиқ органи ва банк ўртасида солиқ тўловчи ҳисобот даврида банк оборотига эга ёки эга эмаслиги бўйича ахборот алмашишни йўлга қўйиш лозим (амалда Банк сирига амал қилган ҳолда солиқ тўловчининг обороти суммаси эмас, фақатгина оборотга эгами ёки йўқлиги белгиси тақдим этилади). Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, тегишли солиқ даврида банк айланмасини амалга оширган солиқ тўловчиларни айланмага тааллуқли солиқлар бўйича ҳисобот топшириш мажбуриятидан озод этиш.

2. Солиқ ҳисботини топшириш жараёнига ҳисбет бўйича ҳисбланган солиқ суммасини автомат тарзда солиқ тўловчининг банк ҳисб рақамидан ундириш бўйича оферта жойлаштириш. Агар солиқ тўловчи ушбу офертани қабул қиласидиган бўлса, унинг ҳисб рақамидан солиқларни ундириш.

3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ресурс солиқлари бўйича ҳисбет топшириш жараёнини автоматлаштириш. Яъни солиқ органи ва ресурс солиги обьектлари ҳисбени юритувчи ташкилотлар, жумладан, Кадастр агентлиги, "Сувсоз" корхонаси каби ташкилотлардан солиқ тўловчиларнинг объектлари ва уларнинг миқдори тўғрисида маълумотларни олиб, солиқ ҳисботи билан интеграция қилиш.

4. Онлайн назорат касса машиналари орқали шакллантирилган чеклар бўйича ўтказилаётган ютуқли ўйинларнинг ўрнига, ҚҚС суммаси ҳисбидан CASHBACK тизимини йўлга қўйиш. Бунга сабаб бугунги кунда ютуқли ўйинлар орқали саноқли харидорлар тақдирланмоқда. CASHBACK тизими эса барчага хариди миқдоридан маълум суммани чегириш имконини беради ва барчани бирдек рағбатлантиради.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Artemenko D.A., Aguzarova L.A., Aguzarova F.S., Porollo E.V. (2017) "Causes of Tax Risks and Ways to Reduce Them". Pages 454-458.
2. OECD (2020), "Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration". Pages 10-24.
3. Кодекс (2019). Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. / Code (2019) Tax Code of the Republic of Uzbekistan in the new edition.
4. Фармон (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-6098-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2020 No PD-6098 "On organizational measures to reduce the shadow economy and increase the efficiency of tax authorities". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Қарор (2010). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-1257-сон. / Resolution (2010) No. PR-1257 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 8, 2010 "On measures to further modernize the system of tax authorities of the Republic". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Қарор (2012). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1843-сон. / Resolution (2012) No. PR-1843 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2012 "On measures to further increase the efficiency of the information and communication system of the state tax service of the Republic of Uzbekistan". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



### ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ РАҶОБАТ МУҲИТИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Холбаев Санжар Илхомович

Гулистон давлат университети

Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss2/a3](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a3)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётидаги раҷобат муҳитининг моҳияти ва унинг шаклланишида амалга ошириладиган иқтисодий чора-тадбирларнинг аҳамияти, бозор иқтисодиётидаги иқтисодий ривожланиши ўйналишларини белгиловчи имтиёз ва преференцияларнинг натижадорлиги ва ривожлантириши дастурларидаги устувор тамоилилар халқаро тажриба асосида тадқиқ этилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий босқичида раҷобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ўрганилган.

**Калит сўзлар:** раҷобат, раҷобат муҳитининг шаклланиши, раҷобатбардошлиқ, иқтисодий чора-тадбирлар, имтиёзлар, субсидия, иқтисодий ривожлантириши дастури.